

ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бозорова Рўзигул Шарофовна

*ТИҚХММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Ижтимоий
гуманитар фанлар ва жисмоний маданият кафедраси доценти, фалсафа фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: *Мақолада Нақшбандийлик тариқатига асос солган Баҳоуддин Нақшбандийнинг тасаввуф фалсафасига қўшган ҳиссаси, пиру муридлик қоидаларини осонлаштириши, имон мустаҳкамлиги, Ҳақ таолога сидқидилдан итоат этиши, ихлос ва маънавий камолотга эришишининг асосий жиҳатлари хусусида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *Суфийлик, камолот, тариқат, маърифат, ҳақиқаат, сулук.*

Нақшбандийлик тариқатига тариқат пирларидан бири Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Бухорий асос солган. Нақшбандийлик хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини омухта этган, уларга янги руҳ бериб ривожлантирган. XV-X VIII асрларда савдо ва хунармандчилик билан шуғулланадиган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасида кенг ёйилган. Нақшбандийлик таълимотининг асосида “Кўнгил худога бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин” (“Дил ба ёру, даст ба кор”) шиори ётади. Нақшбандийликда пиру муридлик қоидалари ҳийла осонлаштирилган, сирдан туриб эътиқод қўйиш, имон мустаҳкамлиги, Ҳақ таолога сидқидилдан итоат этиш, ихлос ва маънавий камолот асосий ўринни эгаллайди. Расм-русумлар, одатларни кўр-кўрона адо этиш қаттиқ қораланади. Ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик билан Аллоҳга интилиш юксак фазилат ҳисобланади.

Нақшбандийликда одамнинг қадрни мансаби, бойлиги билан эмас, маънавий комиллиги билан ўлчанади. Бу эса Нақшбандийликнинг таркидунёчилиikka, текинхўрликка қарши қаратилган тариқат эканлигидан далолат беради. Нақшбандийликда асосий талаб-қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси билан курашиб, руҳда чароғонлик топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Шайх Муҳаммад Юсуф таъкидлаганларидек, “Бу тариқат Ҳақ таолонинг ҳузурида доимий ҳозирликдир, Ислом ақийдасини, аҳли сунна ва жамоа ақийдасини мустаҳкамлашдир ва Набий саллолоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашишдир”. Зикри хуфия (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. Бу тариқатдаги назарни ўзига тортадиган энг муҳим нарса-сокинлик, яъни, унинг рийдан ҳоли бўлмайдиган бақириқ-чақириқ, тараннум ва тинглашлардан узоқлигидир, деб ёзади Шайх Муҳаммад Содик.

Нақшбандия тариқатидаги зокир намоздан кейин, пок ҳолида, қиблага қараб ўтириб олиб, тилини танглайга теккизиб, қалби тил ҳаракати ила бирлашиб Аллоҳни зикр қилади. (Қаранг: Тасаввуф ҳақида тасаввур. 8-бет). “Ташқаридан халқ билан,

ичкаридан Ҳақ билан бўлиш”, ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрларини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш Нақшбандийликнинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган. Тасаввуфшунос олимларнинг фикрича тариқатнинг тўрт тамал асоси бор, булар:

- Шариат билан зоҳирни поклаш; - Тариқат билан ботинни поклаш;

- Маърифат билан Аллоҳ дўстлигига яқинлашмоқ;

- Ҳақиқат билан Аллоҳнинг ўзига эришмоқ.

- Нақшбандийликка кўра, суҳбат-анжуман ичра бўлиш, билмаганни билиб олиш, юксалиш, кароматлар сиру асрори, илоҳиёт олами нурларидан баҳрамандлик бўлса, бунинг акси хилват эса кишини билимдан, маърифатдан маҳрум қилади. Нақшбандийликда ўзини ўзи назорат қилиб бориш, олган билимларини дилда мустаҳкамлаш. Умрнинг ҳар бир дамини савоб ишга, ҳар бир нафасни маънавий камолот учун сарфлаш лозим дейилади. “Вуқуфи замоний”(муайян вақтда тўхтаб ўзини текшириш), “вуқуфи ададий”(ишларни сарҳисоб қилиб текшириш), “вуқуфий қалбий”(қалб амаллари қандай бўлаётганлигини тўхтаб, текшириб бориш) каби шиорлар (“қудсий сўлар”) ҳам ана шу назорат усулига киради. Нақшбандийлик ўзининг ана шу қоидалари билан тасаввуфни ислом шариати ва пайғамбар суннати билан янада мустаҳкамроқ боғлади. “Урват ул-вусқо”, яъни барча ишда пайғамбар сўзлари ва ишларига суяниш Нақшбандийлик шиорларидан бирига айланди. Нақшбандийликда сўфийлик истедодига ҳам катта эътибор берилган ва бу билан ўз силсиласи билан мағрурланадиган сўфийларга қарши чиққан. “Гап силсида эмас, Аллоҳнинг жазбасида”, дейди Баҳоуддин Нақшбанд. (Бу ҳақда қаранг: Ислом энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2017 йил.355-бет.). Жазба бўлмаса, сўфийликда мақоматларга кўтарилиш қийин. Нақшбандия тариқатининг умуминсоний ғоялар, маънавий камолот, ботиний покликни тарғиб этиши унинг дунёда кенг тарқалишига олиб келди. Ҳозир ҳам бу тариқат ислом оламида катта мавқега эга. Тасаввуфга оид илмий китоблар ва дастурларда тариқат атамалари, мақомот манзилларини тушунтиришга купроқ аҳамият берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Соҳибназар Каримов Тасаввуф фалсафаси. Самарқанд 2021. 232-234 бетлар.
2. Раҳматуллоҳ Сафуддинов “Ҳалол касб фаровонлик омили” -Тошкент:, “Мовароуннаҳр”, 2013.86-87-бетлар.
3. Atayeva, F. (2023). TEACHING STUDENTS TO THE STAGES OF CLOTHING SKETCHING. Science and innovation, 2(B1), 187-191.
4. Раҳматуллоҳ Сафуддинов “Ҳалол касб фаровонлик омили” -Тошкент:, “Мовароуннаҳр”, 2013.20-бет.
5. Фахриддин Али Сафий. “Рашоҳот айн-ул- ҳаёт”. 20-бет.

6. Allaberganovna, A. F. . (2023). Pedagogical Approach in Explaining the Steps of Drawing Clothing Sketches to Students. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(2), 69-73. Retrieved from <http://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/57>

7. Тасаввуф ҳақида тасаввур. 8-бет

8. Allaberganovna, A. F. (2022). Improvement of the Design of Working Bodies of Modern Presses to Increase Shape-Saving Characteristics During Moisture-Heat Treatment of Clothes. *Miasto Przyszłości*, 28, 17-19.

9. Ислом энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2017 йил 355-бет.